**“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”**
**Мажбурий ижро бюросининг**
**Олмалиқ шаҳар бўлими бошлиғи**
**адлия маслаҳатчиси**
**З.З.Рахимов ____________**
**2022 йил “02” феврал**

## Қ А Р О Р
### сотилмаган автотранспорт воситасини ундирувчига топшириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида

2022 йил “02”февраль Олмалиқ шаҳар

Мажбурий ижро бюросининг Олмалиқ шаҳар бўлими давлат ижрочиси А.Х.Рохатов, фукаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг 15.01.2021 йилдаги 2-1107-2005/7185-сонли ижро варақасига асосан, қарздор “ЛУЧ” ХКдан ундирувчи “Ипотекабанк” АТИБ Олмалик филиали фойдасига 1339231496 сўм кредит қарздорлиги ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати юзасидан 13.09.2021 йилда қўзғатилган 110721010206-сонли ижро иши билан танишиб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И М:

Мазкур ижро иши юзасидан, қўимча жавобгар Нуриллаев Абдумаликга тегишли бўлган 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 К 141 NA бўлган, “DONGFENG DEL3251D1” автотранспорт воситаси хатланиб, 180.200.000 сўмга сўмга баҳоланиб, шу бошланғич баҳода “E-AUKSION” электрон онлайин савдолари орқали 20.09.2021 йилда ким ошди савдосига чиқарилган.

“E-AUKSION” электрон онлайин савдолари томонидан тақдим қилинган хабарномага кўра, ушбу мол-мулк такрорий аукцион шаклидаги кимошди савдоларида реализация қилинмаган. Давлат ижрочисининг 06.01.2022 йилдаги таклиф хати билан ундирувчига ушбу мол-мулкни баҳоланган суммасидан 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда яъни 162.180.000 сўмга ўзида қолдириш юзасидан таклиф қилинган ва ундирувчи мазкур реализация қилинмаган мол-мулкни ўзида қолдириш юзасидан қарор қилган.

Шунга кўра, мазкур автотранспорт воситасини ундирувчига топшириб, ундирувчи “Ипотекабанк” АТИБ Олмалик филиали номига тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказишни ваколатли органлар зиммасига юклашни лозим деб ҳисоблайман.

Баён этилганларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 21, 56, 86-моддаларини қўллаб,

## Қ А Р О Р  Қ И Л Д И М:

1. Қўимча жавобгар Нуриллаев Абдумаликга тегишли бўлган 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 К 141 NA бўлган, “DONGFENG DEL3251D1” автотранспорт воситаси, ундирувчи “Ипотекабанк” АТИБ Олмалиқ филиалига 10 фоиз арзонлаштирилган нархда, яъни 162.180.000 сўм ҳисобида кредит қарздорлиги эвасига топширилсин.

2. Мазкур мулкни тегишли тартибда ундирувчи “Ипотекабанк” АТИБ Олмалик филиали ҳисобига давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти Олмалиқ шаҳар ИИБ ЙҲХБ 1-сонли ТРИБ зиммасига юклатилсин.

3. Ушбу мол-мулкни расмийлаштириш билан боғлик харажатлар ундирувчи томонидан амалга оширилади.

4. Ундирувчига ушбу мол-мулкни расмийлаштириш билан боғлиқ қилинган харажатларни қарздордан суд тартибида ундириб олиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

5. Қарор нусхаси Олмалиқ шаҳар ИИБ ЙҲХБ 1-сонли ТРИБга ижро этиш учун, қарздор ва ундирувчига маълумот учун юборилсин.

6. Қарор устидан қарор чиқарилган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида судга, бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят бериш ёки қонунда белгиланган тартибда прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

**Давлат ижрочиси**
**2-даражали юрист** **А.Х.Рохатов**